

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**381 Республиканинг аҳоли пунктларини ва қишлоқлар-
аро ҳудудларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан
таъминлашни янада яхшилаш, уларни ишлаб чиқиш, келишиш
ва тасдиқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида**

Аҳоли пунктларини ва қишлоқлараро ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини такомиллаштириш йўли билан Ўзбекистон Республикасининг аҳоли пунктларини ва қишлоқлараро ҳудудларини сифатли шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда аҳоли пунктлари ва қишлоқлараро ҳудудларнинг тегишли равишда қишлоқлар (овуллар) фуқаролар йиғини ҳудудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш бош режалари ва лойиҳалари (кейинги ўринларда шаҳарсозлик ҳужжатлари деб аталади) билан таъминланганлиги хатловдан ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни (кейинги ўринларда дастур деб аталади):

2015 — 2018 йилларда республика шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастури 1-иловага* мувофиқ;

2015 — 2018 йилларда аҳолиси 5 минг нафардан кўп бўлган қишлоқлар (овуллар) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш (қурилишнинг биринчи навбати ажратиб кўрсатилган ҳолда) лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастури 2-иловага* мувофиқ;

2015 — 2018 йилларда аҳолиси 5 минг нафардан кам бўлган қишлоқлар (овуллар) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш (қурилишнинг биринчи навбати ажратиб кўрсатилган ҳолда) лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастури 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, дастурларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг асосланган ҳисоб-китобларида биноан:

шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режаларини, аҳоли пунктлари қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шаҳар чегараси, комплекс муҳандислик изланишларини ўтказиш, аҳоли пунктларининг микросейсмораёнлаштириш хариталарини, фавқулодда вазиятлар юзага келганда аҳолини муҳофаза қилиш схемалари ва бўлимларини тузиш, экология экспертизаси хулосалари натижалари бўйича, аҳолиси (фуқаролар

* 1 — 3-илловалар рус тилидаги матнда берилган.

йиғини органлари жойлашган аҳоли пунктидаги яшовчилар сони) 5 минг нафардан кўп бўлган фуқаролар қишлоқ йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича — назарда тутилган бюджет маблағлари, шу жумладан марказлаштирилган капитал қўйилмалар доирасида республика бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

аҳолиси (фуқаролар йиғини органлари жойлашган аҳоли пунктидаги яшовчилар сони) 5 минг нафардан кам бўлган фуқаролар қишлоқ йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, экология экспертизаси хулосалари, шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича — маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги 2015 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича, ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Инвестиция дастури лойиҳаларини шакллантиришда ушбу қарор билан тасдиқланган дастурларни амалга оширишни молиялаштиришга зарур маблағларни назарда тутсинлар.

5. Қуйидагилар:

«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» давлат унитар корхонаси ва «ТошкентбошпланЛИТИ» давлат унитар корхонаси — бош режалар лойиҳаларини ҳамда шаҳарлар ва шаҳар посёлкалари ҳудудлари қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини, шунингдек шаҳар чегараси лойиҳаларини ишлаб чиқувчилар этиб;

«Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият — аҳолиси (фуқаролар йиғини органлари жойлашган аҳоли пунктидаги яшовчилар сони) 5 минг нафардан кўп бўлган қишлоқлар (овулар) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқувчи этиб;

танлов асосида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан аниқланадиган шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган лойиҳалаш ташкилотлари — аҳолиси (фуқаролар йиғини органлари жойлашган аҳоли пунктидаги яшовчилар сони) 5 минг нафардан кам бўлган қишлоқлар (овулар) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқувчилар этиб;

«ЎзГАШКЛИТИ» давлат унитар корхонаси — комплекс муҳандислик-техник изланишларни ўтказиш (топографик хариталар ва режаларни тузиш, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун муҳандислик-геология изланишларини ўтказиш) ишларини бажарувчи этиб белгилансин.

6. Ушбу қарор билан тасдиқланган дастурларни амалга ошириш бўйича буюртмачи функцияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи

хизмати» инжиринг компанияларига юклансин, уларнинг тузилмасида бошқарув ходимларининг умумий сони доирасида иккита штат бирлигидан иборат бўлган, аҳоли пунктларини ва қишлоқлараро ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлашни мувофиқлаштириш бўлими ташкил этилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

буюртмачилар ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ўртасида шартномаларнинг ўз вақтида тузилиши, буюртмачилар томонидан ишлаб чиқувчиларга зарур бошланғич маълумотларнинг берилиши, дастурларнинг бажарилиши муддатларига, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишига риоя этилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатсинлар;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда аҳолиси 20 минг нафардан кўп бўлган шаҳарлар ва шаҳар посёлкалари (туманлар марказлари) учун батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастурларини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсинлар.

8. «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» давлат унитар корхонаси, «ТошкентбошпланЛИТИ» давлат унитар корхонаси, «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият, «ЎзГАШКЛИТИ» давлат унитар корхонаси ва лойиҳалаш ташкилотлари — тегишли шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича танловлар ғолиблари шаҳарлар ва шаҳар посёлкалари бош режаларининг, қишлоқлар (овуллар) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларининг дастурларда назарда тутилган муддатларда сифатли ишлаб чиқилишини таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси белгиланган тартибда:

«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» давлат унитар корхонаси, «ТошкентбошпланЛИТИ» давлат унитар корхонаси ва «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият билан биргаликда, тасдиқланган дастурларнинг амалга оширилиши, шунингдек шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларини қуришда шаҳарсозлик ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг мунтазам мониторингини амалга оширишни, кейинчалик ҳар ярим йиллик якунлари бўйича мониторинг натижаларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин;

икки ой муддатда — манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда шаҳарсозлик ҳужжатларини келишишнинг ҳар бир вазирлик ва идора томонидан келишишнинг мақбул равишда табақалаштирилган муддатларини регламентловчи тартиби, шунингдек уларга юкланган ваколатларга мувофиқ улар билан келишиладиган масалалар рўйхати ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда (тегишлигига кўра) икки ой муддатда, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчи лойиҳа-қиди-

рув ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича Комплекс тадбирларнинг тайёрланишини ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилишини таъминласин, Комплекс тадбирларда қуйидагилар назарда тутилсин:

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг қийматини ва норматив муддатларини аниқлаш тартибини регламентловчи амалдаги норматив ҳужжатларга тузатишлар ва аниқлаштиришлар киритиш;

ҳалқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш муддатларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ҳалқаро тажрибани ҳисобга олиб, юқори самарали дастурий таъминлашларни қўлланган ҳолда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарни жорий этиш;

соҳанинг олий таълим муассасаларига талабаларнинг ўқув-ишлаб чиқариш амалиётидан ўтишини ва ўқитувчиларнинг тажриба орттиришини самарали ташкил этишда қўмаклашиш;

лойиҳа-изланиш ташкилотларининг, уларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг ишлаб чиқиладиган шаҳарсозлик ҳужжатлари сифати ва самардорлиги юзасидан масъулиятини кучайтириш бўйича таклифлар киритиш;

лойиҳа-қидирув ташкилотларининг моддий-техника базасини ва кадрлари таркибини мустаҳкамлаш;

лойиҳа-қидирув ташкилотлари мутахассислари малакасини тизимли асосда, шу жумладан уларни етакчи хорижий илмий-лойиҳалаш марказларига тажриба орттиришга юбориш йўли билан ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлаш ва минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни, шунингдек ҳудудларни қуришни режалаштиришда уларнинг асосий қоидаларини амалга оширишни таъминлаш масалаларини ўз вақтида ва самарали ҳал этиш юзасидан масъулиятини ва манфаатдорлигини ошириш.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Вазирликлар ва идоралар ўзларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 24 июль,
203-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 24 июлдаги 203-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 14 августдаги 320-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 52-модда) билан тасдиқланган Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типдаги посёлкаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларни қуриш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 1.3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1.3. Аҳоли пунктининг бош режаси:

узок муддатли ижтимоий-иқтисодий дастурлар, республикани ва унинг минтақаларини ривожлантириш прогнозлари, туманни режалаштириш схемалари ёки лойиҳалари;

аҳоли пунктининг олдинги бош режасини амалга оширишнинг ҳолатини таҳлил қилиш натижалари асосида ишлаб чиқилади.

Аҳоли пунктининг бош режаси аҳоли пунктларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ва чегараларини, улар ҳудудининг функционал вазифасини ва қурилишни зоналаштиришни, муҳандислик, транспорт ижтимоий инфратузилмасини комплекс ривожлантиришни, шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга оширишда шаҳарсозлик фаолияти регламентларини, шу жумладан ҳудудларни ўзлаштиришнинг навбатма-навбатлигини, тарихий-маданий мерос объектларини сақлашга, экологик ва санитария ҳолатига қўйиладиган талабларни ва бошқаларни белгилаб беради»;

б) 1.4-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1.4. Шаҳарларнинг бош режалари 15 — 20 йил муддатга ишлаб чиқилади. Бош режа батафсил режалаштириш лойиҳаларини, иморат қуриш лойиҳаларини ва ривожлантиришнинг тармоқ схемасини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади»;

в) 1.5-бандга «назарда тутати» сўзларидан олдин «ва шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга оширишда белгиланадиган шаҳарсозлик фаолиятининг бошқа регламентларини» сўзлари қўшилсин;

г) 1.6-банддаги «1.03.02-96-сон республика «Қурилиш меъёрлари ва қоидалари»га» сўзлари «шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 1.7-банднинг иккинчи хатбошидаги «1.03.02-96-сон республика «Қурилиш меъёрлари ва қоидалари»да» сўзлари «шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 2.1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2.1. Қуйидагилар бош режа, батафсил режалаштириш лойиҳаси, қурилиш лойиҳаси ва шаҳар чегараси лойиҳаси (кейинги ўринларда шаҳарсозлик ҳужжатлари деб юритилади)нинг:

Объектларни марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуришда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи ҳудудий хизматлари — шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишга;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ҳокимликлари, шунингдек корхоналар, ташкилотлар ва бошқа юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилмаган, марказлаштирилган бюджет манбалари ҳисобига молиялаштириладиган шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишга;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари, корхоналар, ташкилотлар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар — иморат қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан буюртмачилар ҳисобланадилар»;

ж) 4.1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4.1. «Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш:

аҳоли пунктларини микросейсморайонлаштириш хариталари тузишни молиялаштиришни, экологик экспертиза хулосаларини, фавқулудда вазиятлар юз берганда аҳолини ҳимоя қилиш схемалари ва бўлимларини, шаҳарсозлик ҳужжатларини келишишни ва давлат экспертизасидан ўтказишни ҳисобга олган ҳолда марказлаштирилган бюджет манбалари;

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилмаган, марказлаштирилган бюджет манбалари ҳисобига молиялаштирилган шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда — маҳаллий бюджетлар (шу жумладан давлат корхоналарини хусусийлаштиришдан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тасарруфига тушган маблағларнинг бир қисми), юридик ва жисмоний шахсларнинг, мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади»;

з) 4.2-бандга «табиатни муҳофаза қилиш ҳудудий комплекс схемалари тузилишини,» сўзларидан кейин «фавқулудда вазиятлар юз берганда аҳолини ҳимоя қилиш схемалари ва бўлимларини» сўзлари қўшилсин;

и) 5.2-банднинг биринчи хатбошидаги «белгиланган тартибда 1.03.02-96-сон республика «Қурилиш меъёрлари ва қоидалари»га» сўзлари «шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан белгиланган тартибга» сўзлари билан алмаштирилсин;

к) қуйидаги мазмундаги 5.2¹ ва 5.2²-бандлар қўшилсин:

«5.2¹. Шаҳарсозлик ҳужжатларини вазирликлар, идоралар ва ваколатли ташкилотлар билан келишиш муддати бир ойдан ортиқ бўлмаслиги керак;

агар келишувчи вазирлик, идора ёки ваколатли ташкилот ўз хулосасини белгиланган муддатда юбормаса ва уни кўриб чиқиш муддатини узайтиришни келишмаса, шаҳарсозлик ҳужжатлари келишилган деб ҳисобланади.

5.2². Вазирликлар ва идоралар ўн кун муддатда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш масалаларига дахл қилувчи ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ўзгарганлигини «Давархитект-қурилиш» қўмитаси эътиборига мажбурий тартибда ёзма шаклда етказди»;

л) 6.7-бандга «амалга оширадилар» сўзларидан олдин «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Архитектура ишлари ва қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси» сўзлари қўшилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 83-модда):

а) қарорга 5-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Объектларни марказлаштирилган манбалар ҳисобига
қуришда ягона буюртмачи ҳудудий хизматининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



б) Объектларни марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуришда ягона буюртмачи хизмати тўғрисидаги намунавий низомда (қарорга 6-илова):

9-бандда:

«а» кичик бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«аҳоли пунктларини ва қишлоқлараро ҳудудларни режалаштириш тўғрисидаги шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа-қидирув ишларининг манзилли рўйхати лойиҳасини тайёрлайди»;

«б» кичик банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лоийҳаларни ва танлов ҳужжатларини, шунингдек аҳоли пунктлари ва аҳоли пунктлариаро ҳудудларни режалаштириш тўғрисида шаҳарсозлик

хужжатларини ишлаб чиқиш учун бирламчи-рухсат берувчи хужжатларни тайёрлайди, танлов асосида «лойиха» босқичида лойиҳалаштириш бўйича ишларига буюртма жойлаштирилишини ташкил этади»;

10-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«уни ташкил этган органнинг топшириғига кўра янгидан бошланаётган ва қурилиши тугалланмаган объектлар қурилишида, шунингдек аҳоли пунктлари ҳудудларини ва қишлоқлараро ҳудудларни режалаштириш тўғрисидаги шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи функциясини амалга ошириш».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарлар, шаҳар посёлкаларининг бош режаларини, фуқароларнинг қишлоқ йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 4 декабрдаги 286-сон қарорида:

а) 2011 — 2014 йилларда республика шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастурида (қарорга 1-илова):

«Қорақалпоғистон Республикаси» бўлимидан 2, 3, 6 — 8-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Андижон вилояти» бўлимидан 3, 5 — 10, 12, 13-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Бухоро вилояти» бўлимидан 2, 4 — 6-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Жиззах вилояти» бўлимидан 2, 8 — 12-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Қашқадарё вилояти» бўлимидан 2 — 6, 9 — 14-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Навоий вилояти» бўлимидан 2, 4, 6-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Наманган вилояти» бўлимидан 2 — 4, 6, 9 — 14, 16 — 25-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Самарқанд вилояти» бўлимидан 2 — 4, 6, 9 — 15-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Сурхондарё вилояти» бўлимидан 3, 7 — 9-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Сирдарё вилояти» бўлимидан 5-сатр чиқариб ташлансин;

«Тошкент вилояти» бўлимидан 13 — 19, 22 — 27, 29-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Фарғона вилояти» бўлимидан 1, 4, 6 — 9, 11 — 17-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Хоразм вилояти» бўлимидан 1, 5, 6-сатрлар чиқариб ташлансин;

б) 2011 — 2014 йилларда қурилишнинг биринчи навбатини ажратиб кўрсатган ҳолда бир вақтнинг ўзида 5 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари схемаларини ишлаб чиққан ҳолда фуқароларнинг қишлоқ йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастурида (қарорга 2-илова):

«Андижон вилояти» бўлимидан 3, 6 — 9, 11, 13, 14, 16, 18, 19, 21 — 63-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Жиззах вилояти» бўлимидан 67 — 72, 76 — 79, 81-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Қашқадарё вилояти» бўлимидан 85, 86, 88, 90, 91, 95 — 100, 103, 104, 106, 108, 110 — 113, 115 — 118, 120 — 122-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Наманган вилояти» бўлимидан 125 — 129, 131 — 146, 148 — 151, 153 — 173-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Самарқанд вилояти» бўлимидан 176, 180, 181, 182, 185, 188, 192 — 198-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Сурхондарё вилояти» бўлимидан 206, 208, 209, 211, 212, 215 ва 216-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Сирдарё вилояти» бўлимидан 221, 225 ва 227-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Тошкент вилояти» бўлимидан 228, 230, 232 ва 236-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Фарғона вилояти» бўлимидан 243 — 282-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Хоразм вилояти» бўлимидан 288-сатр чиқариб ташлансин;

в) 2011 — 2014 йилларда қурилишнинг биринчи навбатини ажратиб кўрсатган ҳолда бир вақтнинг ўзида 5 мингдан кам аҳоли яшайдиган қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари схемаларини ишлаб чиққан ҳолда фуқароларнинг қишлоқ йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастурида (қарорга 3-илова):

«Қорақалпоғистон Республикаси» бўлимидан 1, 4, 7 — 9, 15, 23 — 28, 50 — 54, 63, 64, 95, 98, 99, 101, 104 — 108, 111 — 114, 116 — 120-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Андижон вилояти» бўлимидан 124 — 136-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Бухоро вилояти» бўлимидан 140 — 146, 150 — 156, 158, 159, 161 — 193, 197 — 200, 205 — 229, 233, 234-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Жиззах вилояти» бўлимидан 238, 239, 242 — 247, 251 — 260, 264 — 266, 269 — 290, 293 — 304-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Қашқадарё вилояти» бўлимидан 305 — 325, 327, 330 — 334, 338, 339, 344, 346 — 368-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Навоий вилояти» бўлимидан 378 — 383, 386 — 390-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Наманган вилояти» бўлимидан 393 — 398, 401-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Самарқанд вилояти» бўлимидан 430, 440 — 446, 448 — 470-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Сурхондарё вилояти» бўлимидан 476, 485 — 519, 521 — 538-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Сирдарё вилояти» бўлимидан 543, 547 — 561, 565 — 587-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Тошкент вилояти» бўлимидан 588 — 651-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Фарғона вилояти» бўлимидан 654 — 659, 661, 662, 664, 665, 667, 671, 672, 674, 678 — 733-сатрлар чиқариб ташлансин;

«Хоразм вилояти» бўлимидан 742, 743, 747, 749, 751, 752, 757 — 760, 764 — 780, 783 — 796, 798 — 803, 805, 808-сатрлар чиқариб ташлансин.